


ИСТАК ГАПЛАРДА РЕАЛ ВА ИРРЕАЛ ИСТАКНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-58-64

Гулибануму Кебайтули
Хитой Халқ Республикаси,
Марказий Миллатлар университети,
рус ва ўзбек филологияси факультети ўзбек тили ўқитувчиси
古丽巴努木·克拜吐里
中国·北京
中央民族大学外国语学院俄语-中亚语系 讲师

Аннотация: Лингвистик ёндашувда реаллик тушунчаси тилдаги ифоданинг воқеликка мос келишига нисбатан, ирреаллик эса ифоданинг объектив реалликка мос келмаслигига нисбатан қўлланилади. Бу жиҳатдан истақ гапларда ифодаланган истақ воқеликка мувофиқ келса, реал истақ, аксинча, воқеликка мувофиқ бўлмаса, ирреал истақ сифатида ажратилади. Бошқача айтганда реал истақ гапларда акс этган истақ амалга ошиши мумкин бўлган истақ ҳисобланади. Мазкур мақолада ўзбек ва хитой тилларидаги истақ гапларда реал ва ирреал истақнинг ифодаланиши масалалари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: истақ гаплар, реал истақ, ирреал истақ, ирреаллик, ўзбек тили, хитой тили.

Annotation: In the linguistic approach, the concept of reality is applied to the correspondence of an expression in language to reality, and unreality to the incompatibility of expression with objective reality. In this respect, desire is distinguished as an unreal desire if the desire expressed in the sentences corresponds to reality, while real desire, on the contrary, does not correspond to reality. In other words, a real wish is a wish that is expressed in words and a wish that can be fulfilled. This article analyzes the issues of expression of real and unreal desires in the Uzbek and Chinese language.

Keywords: wish sentences, real desire, unreal desire, unreality, Uzbek language, Chinese language.

Истақ гапларда ифодаланган сўзловчи истақ-хоҳишининг воқеликка муносабати нуқтаи назаридан тилшуносликда реал (лот. *realis* – ҳақиқий) ва

ирреал (лот. *irrealis* – “реал бўлмаган”, “хақиқий эмас”) истак турлари ажратилади.¹

Ирреал истак эса хаёлий, нутқ эгаси тасаввуридаги истак бўлиб, амалга ошмайдиган истак саналади. Б.Ч. Ооржакнинг қайд этишича, “истак ифодалашнинг биринчи ҳолати субъектнинг физиологик, психологик ёки ижтимоий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ҳозирги вақтда ёки ўтмишнинг қандайдир бир вақтида бошдан кечирган истагини ифодалайди. Иккинчи ҳолат сўзловчининг келажакка қаратилган ва амалга ошиши даъво қилинмайдиган истагини билдиради”.²

Реал ва ирреаллик истакнинг амалга ошиши ёки амалга ошмаслигига кўра ҳам ажратилади. Жумладан, В.А.Плунгян амалга ошадиган истакни *реал истак*, амалга ошмайдиган истакни *реал бўлмаган истак* тарзида фарқлайди.³

Реал истак ва *ирреал истак* терминлари айрим манбаларда турлича талқин этилади. Жумладан, С.В.Мастерских реал истакни *фактик истак*, ирреал истакни *контрфактик истак* деб атайди.⁴ Р.Сайфуллаева бошчилигидаги муаллифлар томонидан яратилган “Ҳозирги ўзбек тили” китобида тўсиқсизликка нисбатан *ирреаллик* термини қўлланган. Китобда қайд этилишича, “*Келсайди, кўрардик*” кўшма гапида ўтган замон шаклидаги кесим ирреаллик, яъни тўсиқсизликни ҳосил қилган.⁵

Ўзбек тилида реал истак гапларда ифодаланган сўзловчи истак-хоҳиши воқеликка мос бўлиб, келгусида амалга ошиши мумкин бўлган, ўтган замонда амалга ошган ёки, умуман, амалга ошадиган истакни англатади. Масалан, *Сизни кўргим, сиз билан гаплашгим келади* (Ў.Умарбеков. “Одам бўлиш қийин”) гапи нутқ эгасининг амалга ошиши мумкин бўлган истак-хоҳишини акс эттирган. Хитой тилида ҳам реал истак гаплар истакнинг амалга ошиш мумкинлигини англатади. Масалан, *我想做一个网站*.⁶

Реал истак гаплар инкор характерида шаклланганда ҳам сўзловчи ёки ўзганинг воқеа-ҳодисанинг реал ҳолатда юзага чиқмаслигини исташи ифодаланади. Масалан: ... *лекин бирдан гажирлиги тутди, паст тушгиси келмади*. (М.Мухаммад Дўст) *Мен сизни ҳеч маҳал шу аҳволда кўришни истамайман*. (Ў. Умарбеков. “Одам бўлиш қийин”)

Хитой тилида қуйидаги мисолни келтириш мумкин: 我不希望自己迟到。

¹ Горя А.Н. Выражение ирреальности в английском предложении: Дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1988. – 164 с.

² Ооржак Б.Ч. Грамматическое выражение модального значения желания в тувинском языке // file:///C:/Users/1/Downloads/grammaticeskoe-vyrazhenie-modalnogo-znacheniya-zhelaniya-v-tuvinskom-yazyke.pdf

³ Плунгян В.А. Общая морфология. Введение в проблематику. – М., 2000. – С.316. (– 383 с.)

⁴ Мастерских С.В. Концепт «желание» в сопоставительном плане (на материале глагольных лексем русского, английского и немецкого языков): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тюмень, 2004. – 20 с.

⁵ Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent, 2009. – в. 387.

⁶ 鞠晨,袁毓林. 愿望句的事实性及其时间条件[J]. 华文教学与研究,2020,(03):70-79+95.

Ирреал истак гапларда ифодаланган сўзловчи истак-хоҳиши унинг тасавури, хаёлларида мавжуд бўлиб, кўпинча ўтган замонга оид бўлади. Н.М.Агашина ирреал модалликни интенция типи боғлиқ ҳолда башорат қилинган, хаёлий, шартланганлик, истак ва иродага асосланган каби турларга ажратади. Унинг фикрича, бунда коммуникатив вазият параметрлари, хусусан, иллокутив хусусиятлар инобатга олинishi лозим.⁷ Қуйидаги мисолни таҳлил қиламиз:

Қани энди вақт ўтмаган, тўй бўлмаган бўлганда, у албатта қизининг қўлидан етаклаб чиқиб кетарди. (С.Аҳмад. “Пойқадам”)

*她曾期望队友们完成了自己未完成的宏愿。*⁸

Ушбу қўшма гапларнинг *Қани энди вақт ўтмаган, тўй бўлмаган бўлганда* компоненти ва *队友们完成了自己未完成的宏愿* компоненти ирреал истак гаплар бўлиб, уларда сўзловчининг ўтган замонда бўлиб ўтган, реал ҳолатда орқага қайтмайдиган воқелик бўйича хаёлий истаги акс этган. Шу сабали бундай гап ирреал истак гап саналади.

Қуйидаги ирреал истак гапда эса сўзловчининг хаёлий орзуси акс этган: *Қани эди олиб кетсангиз... узоқларга... фақат иккаламиз яшайдиган жойга... Атрофимизда ҳеч ким бўлмаса...* (С.Аҳмад. “Шайтанат”)

虽然不知道这个会议要开多久, 但我真希望这个会能开半小时。

Реал ва ирреал истак гапларда сўзловчининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ ҳолда истак мазмуний муносабатини акс эттирувчи турли ахборотлар ифодаланади. Жумладан, реал истак гапларда қуйидаги истак турлари воқеланади:

Воқеа-ходисанинг юз беришини иташ: *Керакли нарсани кўра билишингизни истайман холос.* (Ш.Холмирзаев. “Нотаниш одам”)

Воқеа-ходисанинг юз бермаслигини иташ: *Лекин менга ўхшашингни истамайман.* (Ў. Умарбеков. “Одам бўлиш қийин”)

Воқеа-ходисанинг тугамаслиги, давом этишини иташ: *Вальс тугамаса, тонггача давом этса! У шуни истарди.* (Ў. Умарбеков. “Одам бўлиш қийин”)

Воқеа-ходисанинг амалга ошишидан хавотирга тутиш ва унинг юз бермаслигини иташ: – *Кузги бугдой чириб кетмаса гўргайди...* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Амалга ошмаган орзу-умиднинг рўёбга чиқишини иташ: *Қани энди, кўзим очила қолса-ю, бир кўрсам.* (С.Аҳмад. “Иқбол чироқлари”)

Муайян мақсаднинг амалга ошишини иташ: *Сизга яқинроқ жойда яшасам дейман.* (С.Аҳмад. “Жимжитлик”)

⁷ Агашина Н.А. Ирреальная модальность в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ставрополь. 2003. – С.14. (–18 с.)

⁸ 鞠晨,袁毓林. 愿望句的事实性及其时间条件[J]. 华文教学与研究,2020,(03):70-79+95.

Амалга ошганлиги тахмин қилинаётган воқеа-ҳодисанинг юз берганлигини иташ: *Ким билади, балки Ваҳобжон афсонавор бу оқшомда ўз бахтини, муҳаббатини қўриқлаётгандир. Зора шундай бўлса!* (С.Аҳмад. “Тоғ афсонаси”) ва ҳоказо.

Ирреал истак гапларда истакнинг куйидаги кўринишлари ифодаланади:

Нарса-предметнинг реал ҳолатда мавжуд бўлишини иташ: *Қани энди шу кийимга яраша кармон ҳам бўлса!* (Ў. Умарбеков. “Одам бўлиш қийин”)

Воқеа-ҳодисанинг юз бермаган бўлишини иташ: *Қани энди у шу ишни қилмаган бўлса эди.* (С.Аҳмад. “Алла”)

Нарса-предмет ёки шахс ўрнида бошқаси бўлишини иташ: *Қани энди шу қизнинг ўрнида ҳозир Гулчехра бўлса? – дея ўйларди.* (Ў. Умарбеков. “Одам бўлиш қийин”)

Нарса-предмет ёки шахс (шахслар)нинг реал ҳолатда муайян маконда бўлишини иташ: *Қанийди ҳозир Кимсан акам ҳам, дадам ҳам ёнимда бўлса!* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Бирор белги-хусусиятга эга бўлишни иташ: *Қанийди дадам ҳам Кимсан акамдек “добровол” бўлса-ю, одамлар олдиди бошимни баланд кўтариб юрсам!* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Амалга ошмаган орзунинг рўёбга чиқишини иташ: *Қани энди у ҳам шу меҳмонга ўхшаган бўлса-ю, ўглини шундай ўқишга юборса!* (Ў. Умарбеков. “Одам бўлиш қийин”)

Амалга ошмайдиган воқеликнинг реал ҳолатда юз беришини иташ: *Қани эди ўтиб кетса!.. Ўтиб кетадиган манзара эмас бу... деб ўйлади Самандар.* (Т.Малик. “Мурдалар гапирмайдилар”) ва ҳоказо.

Ўзбек тилида реал ва истак гапларни ҳосил қилувчи тил бирликларини фарқлаш мумкин. Аммо реал истак гапларни шакллантирувчи айрим тил воситалари ирреал истак гапларни ҳам ҳосил қилишда иштирок этади.

Маълумки, тува тилида -са аффикси фақат ирреал истак гапларни ҳосил қилса, -кса шакли реал истак гапларни юзага келтиради.⁹ Бу тилдан фарқли ўлароқ, -са аффикси ўзбек тилида реал истак гапларнинг ҳам, ирреал истак гапларнинг ҳам кесими таркибида келиб, истак маъносини ҳосил қилади. Қиёсланг:-sa

1. Реал истак гап: *Вальс тугамаса, тонггача давом этса!* (Ў. Умарбеков. “Одам бўлиш қийин”)

2. Ирреал истак гап: *Гўё ўшал аснода ҳам тепада мезонлар учса, осмон мезонлардан йилтираб ётса...* (М.Мухаммад Дўст).

Худди шундай, -са эди (-сайди), -са экан, -са бошқа гап эди, -са бир нави эди грамматик воситалари ёрдамида ҳам реал ва ирреал истак гаплар шаклланади. Аммо -са + қошки эди // қошки + -са; -са + қани // қани + -са; -са

⁹ Ооржак Б.Ч. Грамматическое выражение модального значения желания в тувинском языке // file:///C:/Users/1/Downloads/grammaticheskoe-vyrazhenie-modalnogo-znacheniya-zhelaniya-v-tuvinskom-yazyke.pdf

+ қани эди // қани эди + -са (қаниийди + -са); қани энди + -са; қани экан + -са синтактик қурилмалари билан асосий ҳолларда ирреал истак гаплар юзага келади. Мисоллар:

Қани эди бургут бўла олсак... (Т.Малик. “Мурдалар гапирмайдилар”); Қани энди у билан шаҳар кўчаларида юрсанг! (Ў. Умарбеков. “Одам бўлиш қийин”); – Ўзидан тиниб-тинчиб кетса кошкийди, Башоратхон!.. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”); Мўлжалнинг ўзи бўлса кошки эди. (Т.Малик. “Мурдалар гапирмайдилар”)

Хитой тилида 真 каби равиш, ...虽然...但... каби синтактик қурилмалар ёрдамида ирреал истак гаплар шаклланади.¹⁰ Мисоллар:

虽然我知道他还堵在路上, 但我 (真) 希望他已经来了。

虽然我知道自己很笨, 但我希望我是聪明的。

我真希望我是聪明的。

Хулоса қилиб айтганда, истак гапларда ифодаланган сўзловчи ва бошқаларнинг истак-хоҳишининг объектив реаликка мос ёки мос эмаслиги жиҳатидан реал истак гаплар ва ирреал истак гаплар фарқланади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Агашина Н.А. Ирреальная модальность в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ставрополь. 2003.
2. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent, 2009.
3. Горя А.Н. Выражение ирреальности в английском предложении: Дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1988.
4. Мастерских С.В. Концепт «желание» в сопоставительном плане (на материале глагольных лексем русского, английского и немецкого языков): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тюмень, 2004.
5. Насирова, С. А. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии. In *Китайская лингвистика и синология* (pp. 384-387).
6. Омонов, К. (2013). Об одном нормативе делового письма в старотюркском языке. *Вестник Челябинского государственного университета*, (23 (314)).
7. Ооржак Б.Ч. Грамматическое выражение модального значения желания в тувинском языке // file:///C:/Users/1/Downloads/grammaticeskoe-vyrazhenie-modalnogo-znacheniya-zhelaniya-v-tuvinskom-yazyke.pdf

¹⁰ 袁毓林.汉语反事实表达及其思维特点[J].中国社会科学,2015(08):126-144+207.

8. Ооржак Б.Ч. Грамматическое выражение модального значения желания в тувинском языке // file:///C:/Users/1/Downloads/grammaticheskoe-vyrazhenie-modalnogo-znacheniya-zhelaniya-v-tuvinskom-yazyke.pdf

9. Плуныян В.А. Общая морфология. Введение в проблематику. – М., 2000.

10. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То 'plam № 2/ma'sul muharrir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 б., 29.*

11. Халмурзаева, Н. Т. (2016). Имплицитная форма вежливости в Японской лингвокультуре: способы выражения. *European Journal of Humanities and Social Sciences*, (4), 19-22.

12. Халмурзаева, Н. Т. (2016). Проблема определения категории вежливости в японской лингвистике. *International scientific review*, (18 (28)).

13. Хашимова, С. А. (2020). ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ РЕЗУЛЬТАТИВНЫХ ГЛАГОЛОВ ПРИ ПОМОЩИ СУФФИКСАЦИИ В КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура: сборник материалов XI-й международной научно-практической конференции/Под ред. проф. Абуевой НН Махачкала: ДГТУ. 391 с. (p. 361).*

14. Djafarov, B., Nishanbaeva, A., Mirzakhmedova, K., & Nuriddinov, N. (2021). GRAMMATICAL ADAPTATION OF THE TURKIC LOANWORDS IN PERSIAN (IN THE EXAMPLES OF ADJECTIVE PHRASES). In *Культурология, искусствоведение и филология: современные взгляды и научные исследования* (pp. 102-106).

15. Gosmanovna Ibatullina, D., Rafisovna Alikberova, A., & Abdullayevna Nasirova, S. (2019). Modern Linguistic Trends in the Japanese Language. *Journal of Research in Applied Linguistics*, 10(Proceedings of the 6th International Conference on Applied Linguistics Issues (ALI 2019) July 19-20, 2019, Saint Petersburg, Russia), 500-505.

16. Hashimova, S. A. (2021). Peculiarities of Making Nouns Using Suffixes in Chinese (On the Example of Suffixes 家 “Jia” and 者 “Zhe”). *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(8), 367-370.

17. Hulkar, M. (2019). INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages. *Uzbekistan Journal of Oriental Studies*, 1(2), 146-155.

18. Khalmurzaeva, N. T., Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Mirzakhmedova, K. V. (2021). SPECIFICITY OF THE ACTION OF SILENCE IN JAPANESE COMMUNICATION CULTURE. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(08), 50-55.

19. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.

20. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.

21. Nishanbaeva, A., Mirzakhmedova, K., Nuriddinov, N., & Djafarov, B. (2021). Word formation with persian verbal affixoids in the poem" khayrat al-abrar" by ali-shir navai. *Recent Scientific Investigation*, (5 (20)), 149.

22. Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). THE ORIGIN OF AN OFFICIAL TURKIC STYLE AND ITS PLACE IN THE DEVELOPMENT OF A WRITTEN LITERARY LANGUAGE. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758)*, 2(08), 45-49.

23. OMOROV, Q. (2014). ORTA AĞA AİT TÜRKÇE RESMİ YAZILARDA SÖZCÜK SEÇME MESELESİ. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (52), 257-268.

24. 袁毓林.汉语反事实表达及其思维特点[J].中国社会科学, 2015(08).

25. 鞠晨,袁毓林.愿望句的事实性及其时间条件[J].华文教学与研究,2020,(03).